2006 ЙИЛ, 28 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 124 (10.681)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш марказий институтида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Давлатимиз рамзларини эъзозлаш ўз қадр-қимматимизни мустаҳкамлашдир» мавзуидаги кўчма давра суҳбати бўлиб ўтди.

● «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан «Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусида анъанавий учрашув ўтказилди.

● Бельгияда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Гент университети томонидан Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди. Унда Бельгиянинг 300 дан зиёд таниқли олимлари, Шарқий Фландрия провинцияси ва Гент шаҳрининг сиёсий, жамоат ва иқтисодиёт доиралари, шунингдек, Бельгия, ЕИ ва НАТОда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар дипломатик ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

● Фарғона вилоятида 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ 10 та янги мактаб қурилиши режалаштирилган. Жорий ўқув йили бошланиши арафасида Ёзёвон тумани, Қорасой қишлоғидаги 25-мактабнинг замонавий янги бинои фойдаланишга топширилади. Қурилиш ишларини 1-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари тез ва сифатли амалга оширишмоқда. 650 ўринли мазкур мактабда барча шароитларга эга спорт зали ҳам бунёд этилади.

● Бухорода ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар олами» анъанавий кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунланди. Унда 36 нафар ўғил-қиз тасвирий санъат бобида маҳоратини намойиш этди.

● Паркент туманида жойлашган «Кумушкон» соғломлаштириш оромгоҳида «Тадбиркорлар куни» ўтказилди. Бу тадбирни ташкил этиш оромгоҳда анъана тусини олган бўлиб, бу гал «Кумушкон»га юздан ортиқ тадбиркорлар ташриф буюришди. Учрашув иштирокчилари бизнесни юритиш ва банклардан кредит олиш тажрибаларини алмашишди, ишбилармонлар олдида бугунги кунда мавжуд бўлган муаммоларни муҳокама қилишди.

ЖАҲОНДА

● Украина пойтахти Киев шаҳрида бир неча минг киши иштирокида коммунал хизматлар ҳамда асосий истеъмол товарлари нархларининг оширилишига қарши норозилик митинги бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари шунингдек, мамлакат раҳбариятининг алмаштирилишини ҳамда ҳокимиятнинг муҳолифатга берилишини ҳам талаб қилиб чиқдилар.

● Фаластин ва Исроил ўртасидаги саммит яқин вақт ичида ўтказилиши мумкин. Иорданияда ўтказилган норасмий учрашув чоғида Исроил Бош вазири Эҳуд Ольмерт ва Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос шу ҳақда келишиб олдилар.

● Буюк Британиянинг молия вазири Гордон Браун агарда у келгусида Тони Блэрнинг вориси бўлса мамлакатнинг ядро салоҳиятини янгилашга ваъда берди. Ушбу янгиланиш Британия хазинасига 30 миллиард еврогача тушиши мумкин.

● Теҳрон миллий манфаатларни ҳимоя қилиш учун нефтдан қурол сифатида фойдаланишга тайёр. Бу ҳақда Эрон ҳукуматининг расмий вакили Ғулом Ҳусайн Илҳом журналистлар билан бўлган мулоқотда маълум қилди. Ҳукумат вакили расмий Теҳроннинг жаҳон нефть бозорида янги, қудратли ўринга эга бўлиб бораётганини айтиб, бу келажакда мамлакатнинг кўпгина соҳаларда ютуқларга эришишида ёрдам беражагини таъкидлади.

● ВВС ахборот агентлигининг хабарига кўра, Италия фуқаролари миллий Конституцияга Бош вазир ваколатини кенгайтиришни кўзда тутувчи ўзгартириш киритишга рози бўлмаганлар. Икки кунлик референдум натижаларига кўра унда қатнашганларнинг 61,7 фоизи Бош вазир ваколатини кенгайтиришга қарши чиққан, 38,3 фоиз иштирокчи эса Конституцияга ўзгартириш киритишга розилик билдирган.

● Бразилиянинг 80 та шаҳрида ўтган йилнинг декабридан бошлаб ёғингарчилик бўлмаганлиги сабабли фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Бу борада энг мураккаб вазият Бразилиянинг жанубида юзага келган бўлиб, ушбу ҳудудда хатто сув таъминотини чеклашга ҳам тўғри келди.

● АҚШнинг Миссури штатининг Клинтон шаҳрида хайрия ташкилотининг йиғилиши ўтказилаётган пайтда кўп қаватли бино тўсатдан қулаб тушган. Натижада 9 киши вайроналар тагида қолган бўлса, улардан 7 нафарини қутқариб қолишга муваффақ бўлинди.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси фидоийларини, оммавий ахборот воситалари ходимларини бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана, ўн уч йилдирки, 27 июнь санасини юртимизда миллий матбуот куни сифатида кенг байрам қилиш яхши бир анъанага айланиб қолди. Бу байрам нафақат шу соҳа вакиллари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз орзиқиб кутадиган ва хурсандчилик билан нишонлайдиган қутлуғ айёмдир.

Халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот аҳлини Ватанимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлган, давлат ва жамият ўртасида бамисоли холис воситачи ва мухолиф сифатида фаолият кўрсатадиган, мамлакатимизнинг янгиланиши ва тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни кўзланган мақсад ва манзилларга етказишда доимо изланиб яшайдиган фидойи инсонлар деб билади ва қадрлайди.

Албатта, ҳар қандай байрам тантанасида эришилган ютуқлар беихтиёр сарҳисоб этилади, амалга оширилган ишларга танқидий баҳо берилиб, янги-янги режа ва вазифалар белгилаб олинади.

Гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ва жойларда кенг жамоатчилик иштирокида ўтаётган бугунги учрашувлар сизларнинг ўз касбдошларингиз билан дийдор кўришиб, олдингизда турган мақсад ва муаммоларни муҳокама қилиш, касб маҳоратини ошириш, миллий журналистикамизнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида яна бир бор атрофлича фикрлашиб олиш имконини беради, деб ўйлайман.

Халқимизга мансуб бўлган азалий одатга кўра, эл-юртга хизмати сингган, матбуотнинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келган мўътарам оқсоқолларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бундай анжуманларга алоҳида файз бағишлайди. Айни пайтда бу каби тадбирлар шу кунларга етиб келолмаган устоз журналистларнинг номлари ва хотираси ёд этилиши билан ҳам ибратлидир.

Бугунги байрам кунида мен бир масалага алоҳида эътибор беришни истардим. Биз одатда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида, замоннинг ўзи уларнинг олдига қўяётган ўткир талаб ва эҳтиёжлар ҳақида кўп гапирамиз. Аммо, очиғини айтганда, бу соҳанинг меҳнати нақадар машаққатли экани, журналист касбини танлаган кишилардан наинки истеъдод ва билим, балки қатъият ва жасорат талаб қилиниши, таъбир жоиз бўлса, уларнинг нони қаттиқ экани, улар одамларни тинч қолдирмайдиган ташвиш ва муаммолардан холи бўлмасдан юришлари ҳақида, афсуски, камроқ эслаймиз.

Шу ўринда барчамизнинг дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман. Ҳозирги кунда халқимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, заҳматкаш матбуот аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман.

Оммавий ахборот воситаларимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган ривожланиш йўлига назар ташлар эканмиз, табиийки, журналистларимизнинг бугунги савияси ва даражасини бундан ўн-ўн беш йил аввалги ҳолат билан мутлақо солиштириб бўлмайди.

Кейинги пайтда миллий матбуотимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган компьютер ва ахборот технологиялари, Интернет тизими билан бир қаторда, энг аввало, бу воситаларнинг барчасини жонлантирадиган, уларга маъно- мазмун берадиган, таъсирчанлиги ва самарасини амалда намоён қиладиган асосий куч — журналистлар ва матбуот ходимларимизнинг малакаси ва дунёқараши, тафаккури ва маҳорати бошқалардан кам бўлмайдиган даражага ўсиб бораётганини эътироф этиш адолатдан бўлади.

Бугун биз юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият қураётган эканмиз, бу масаланинг энг муҳим шарти бўлмиш инсон қадри, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, одамларни дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида холисона хабардор қилиш, бу жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, эл-юрт дарди ва интилишлари билан яшаш, барчамиздан, биринчи галда, оммавий ахборот воситалари вакилларидан бу талаб ва мезонларни кундалик ҳаётимизда изчил жорий этишни тақозо этади.

Матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифаларни адо этишда бугун бу борада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни энг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозлаш, соҳа ривожи учун зарур бўлган ислоҳотларни амалга ошириш, матбуот аҳлининг масъулиятли меҳнатини қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам давлатимиз, ҳукуматимиз эътибор марказида бўлиши табиий, албатта.

Ўз ҳаётини матбуот соҳасига бағишлаган сиз, азизларга менинг эзгу тилагим шуки, аввало, хонадонларингиздан тинчлик-тотувлик, файзу барака аримасин, ижодий ютуқларингиз, мухлис ва муштарийларингиз янада кўпайсин.

Сизларни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



МИЛЛИЙ МАТБУОТ РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 27 ИЮНЬ - МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАХРИЙЛАРИ, ЖУРНАЛИСТЛАР, НАШРИЁТ ВА МАТБАА ХОДИМЛАРИ, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.

Президентимиз Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда миллий матбуотимиз ривожи, жамоатчилик фикрини ифодаловчи чинакам эркин минбарга айланиши йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жамиятни демократлаштириш ва халқимизнинг сиёсий фаоллигини оширишда, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлашда матбуотнинг ўрни катта эканлиги қайд этилди.

Юртимиздаги энг йирик олий ўқув юртлари — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида малакали журналист кадрлар тайёрланаётир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Миллий университет қошида икки йиллик Олий журналистика курси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг ташкил этилиши миллий матбуотимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Мамлакатимизда матбуот, телевидение ва радио фаолиятини янада либераллаштириш, мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, журналист кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ бугунги глобаллашув, мафкуравий курашлар, ахборот хуружлари кучайган давр миллий манфаатларимизни нафақат сиёсий, иқтисодий, ҳарбий жиҳатдан, балки информацион хавфсизлик нуқтаи назаридан қатъият билан ҳимоя қилишни талаб этмоқда. Бу эса соҳа ходимлари зиммасига улкан масъулият юклаши баробарида атрофдаги воқеаларга янгича тафаккур, теран нигоҳ билан қарашни тақозо қилади.

Йиғилишда «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови ғолиблари ҳамда спортни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишда фаоллик кўрсатган журналистларга дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова, А.Орипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

СУРАТДА: йиғилишдан лавҳа.

Муҳаммад Амин олган сурат.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ-2005» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ:

Даўит АБИБУЛЛАЕВ,
(Қорақалпоғистон Республикаси) «Еркин Қарақалпақстан» газетаси бош муҳаррири ўринбосари.
Меҳр-оқибат, миллатлар ўртасидаги бағрикенглик ва тотувлик мавзусидаги мақолалари учун.

Жаҳонгир АДИЛОВ,
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи бош рассоми.
Маънавий-маърифий мавзуларда яратган ижодий ишлари учун.

Саида ДАВЛЕТОВА,
«Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» муҳарририятининг шарҳловчиси.
Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритишга бағишланган ҳамда сиёсий ва халқаро мавзулардаги кўрсатувлари учун.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» газетаси мухбири.
Ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш мавзусидаги туркум мақолалари учун.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетаси бўлим мудири.
Таълим тизимидаги ислоҳотларни ёритишдаги фаоллиги ҳамда ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалари учун.

Шуҳрат УМИРОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлигининг етакчи мутахассиси.
Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни интернет тармоғи орқали самарали ёритиб борганлиги учун.

ҚУЙИДАГИ ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИЙ ТАНЛОВНИНГ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИЛАР:

Лев САВЕЛЬЕВ,
«Правда Востока» газетаси бўлим мудири.

Саминжон СУЛТОНОВ,
(Сирдарё вилояти).
«Адолат кўзгуси» газетаси бош муҳаррири ўринбосари.

Ҳамид СУЛТОНОВ,
«Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири.

Ботир ТЕМИРОВ,
(Қашқадарё вилояти) «Қашқадарё» газетаси бўлим мудири.

Дилфуза ЭСОНОВА,
Нодавлат телекомпаниялар телетармоғи муҳаррири.

Оловуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги шарҳловчиси.

Олимжон ҲАКИМОВ,
(Фарғона вилояти).
«Давр овози» газетаси бош муҳаррири.

Муҳаббат ҲАМРОЕВА,
«Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Миробод туманидаги «Салор» маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида ёш хонандалар ижросида концерт дастури уюштирилди.

●**БУГУН** Ҳамза компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган компьютер курси машғулотида маҳаллаларнинг кам таъминланган оилалари фарзандлари иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлимида ўқувчилар, кутубхоначилар иштирокида уюштирилган семинарда кутубхона ишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари хусусида сўз борди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманида жойлашган 241-мактаб қошидаги оромгоҳда ўтказилган хайрия тадбирида Қизил Ярим Ой жамиятининг туман Кенгаши ҳомийлигида тарбияланувчиларга ўқув анжомлари, дори-дармон воситалари тарқатилди, тарбияланувчилар ўртасида ташкил этилган расмлар кўргазмаси Бутунжаҳон гиёвандликка қарши кураш кунига бағишланди.

● **УЧТЕПА** туманидаги «Трамвайчи» оромгоҳида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида «Ёз — ўтмокда соз» мавзуида уюштирилган тадбирда болажонлар иштирок этишди.

● **БЕКТЕМИР** туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 1-кутубхонасида Олим Аширов маҳалласи фаоллари, ёшлари, китобхонлар иштирокида ўтказилган «Меҳр-мурувватли бўлайлик» мавзуидаги адабий кеча Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги Ҳабибий маҳалласида фаоллар, ёшлар иштирокида «Гиёвандлик — аср вабоси» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

● **ЧИЛОНЗОР** тумани ҳудудида жойлашган Фан ва технологиялар маркази босмахонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: истиқбол ва режалар

Ўлчов — тежамкорликка гаров

АФЗАЛЛИГИ ЯККОЛ СЕЗИЛМОҚДА

БЕБАҲО НЕЪМАТЛАРИМИЗ КЎП. СУВ, ГАЗ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ АНА ШУЛАР СИРАСИГА КИРИБ, УЛАР ҲАЁТИМИЗДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ. ШУ БОИС ҲАМ МАНА ШУНДАЙ ҚИММАТБАҲО ВА ТУРМУШИМИЗ УЧУН НИҲОЯТДА ЗАРУР РЕСУРСЛАРИМИЗНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ, УЛАРНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, ИСРОФГАРЧИЛИГИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙ ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ ҲИСОБЛАНАДИ.



— Мана шу бурчни ҳар бир истеъмолчи тўғри англаб, шу билан биргаликда фойдаланилган газ, сув, электр энергияси ҳақини вақтида тўласа, хизмат ҳам ана шунга яраша сифатли бўлади, — дейди «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» акционерлик жамияти ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи Анвар Бекназаров. — Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳақиқатан ҳам истеъмолчиларимиз орасида электр энергиясидан ноқонуний ва ўғринча фойдаланадиганлар, бунинг устига ишлатилган электр қуввати ҳақини вақтида тўламаётганлар топилади. Улар нафақат ўзларига, балки, қўни-қўшниларига, маҳалласига зарар етказади, намунали хизматни ташкил этишда, носозликларни ўз вақтида бартараф қилишда муаммолар туғилишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлиги учун ҳисоб-китоб механизмини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ва «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этиб, унга кўра республикамизда 2008 йилгача 4 миллионтадан ортиқ электр ҳисоблагичлар қайта ўрнатилиши керак.


—Бундан келиб чиқиб пойтахтимизда ҳисоблагичларни қайта ўрнатиш қандай режаланган ва унинг амалдаги ижроси хусусида нималарни айтиш мумкин?

— Шаҳримизда 580 мингта абонент бўлиб, 2008 йилгача уларнинг барчасига янги электрон ҳисоблагичлар қўйилиши кўзда тутилган. Жорий йилда ишлаб чиқилган дастур асосида 95 минг электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш режаланган бўлиб, ҳозиргача 39 мингтаси ўрнатилди. Шулардан 4000 таси компьютерга уланган. Тасдиқланган жадвал асосида пойтахтимизнинг барча туманларида электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш қизғин олиб борилмоқда. Шунингдек, биринчи эътибор асосан электр қуввати кўп сарф қилинаётган ҳудудларга қаратилган бўлиб, самараси эса яққол кўринмоқда.

— Янги электрон ҳисоблагичлар қўйишдан кўзланган асосий мақсад ва унинг эскисидан афзаллиги нимада?

— Асосий мақсад сарф қилинаётган электр қувватининг аниқ ҳисобини олиш, тўловда истеъмолчиларга қулайлик яратиш, ноқонуний, ўзбошимча электр қувватидан фойдаланишларга йўл қўймасликдир. Сирасини айтганда, истеъмолчи қанча ток ишлатса, ҳақини аниқ кўрсаткич бўйича тўлаб қўйсин. Янги электрон ҳисоблагичнинг аниқлик даражаси юқори, шунингдек, у компьютер орқали бошқарилади ва компьютер хотирасида сақланиб қолади. Яна бир қулайлик томони—ўзи қувват олаётган электр симлари орқали барча маълумотларни компьютер базасига жўнатади. Бунинг учун қўшимча монтаж ишлари ҳам талаб этилмайди. Агарда фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик ҳолати бўлса, масофадан туриб ускуна автоматик тарзда тўхтатиб қўйилади. Ходимлар ортиқча овора ҳам бўлмайди. Қарздорлик бартараф этилгач эса, ускуна яна ишга тушади.





— Электрон ҳисоблагичлар кимлар томонидан ўрнатилмоқда ва айни кунларда қайси туманларда иш олиб борилмоқда?

— Корхонамизда махсус бўлим ташкил этилган бўлиб, янги электрон ҳисоблагичлар бўйича ўқув курсидан ўтган мутахассислар ўрнатиш ишларини бажаришмоқда. 2004 йилда Миробод ва Ҳамза туманларида электрон ҳисоблагичлар ўрнатишни бошлаган бўлсак, ҳозирда Учтепа, Юнусобод, Яккасарой ва бошқа туманларда ишлар қизғин олиб борилмоқда. Асосан Молдова ва Хитойдан келтирилган ва пойтахтимиздаги «Elektron-hisoblagich» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган электрон ҳисоблагичларни ўрнатаяпмиз. Алоҳида таъкидлашим лозим, ўтган давр таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, электрон ҳисоблагичлар ўрнатилгандан кейин истеъмолчиларнинг масъулияти ҳам ошди. Яъни тўловлар вақтида, аниқ ҳисоб-китоб асосида бажарилмоқда, ўғринча фойдаланишлар эса ўз-ўзидан барҳам топмоқда. Бу, албатта, электрон ҳисоблагичнинг афзаллигидир.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: пойтахтимиздаги «Elektron-hisoblagich» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган электрон ҳисоблагичлар талабга тўла жавоб беради.

ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

«ХОРАЗМ АЛ-МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ» КУВАЙТДА ЧОП ЭТИЛДИ

Кувайтда «Хоразм Ал-Маъмун академияси» китоби араб тилида нашр этилди. Ушбу китоб жорий йилда мазкур қадимий илм даргоҳининг 1000 йиллиги нишонланишига бағишлаб, Ал-Бобтайн номидаги Кувайт араб шеърияти марказий кутубхонаси, Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти, шунингдек, мамлакатимизнинг Кувайт Давлатидаги элчихонаси ташаббуси билан чоп этилди.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Тўққизинчи - ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим», деган сўзлари билан бошланади.

Китоб муқаддимасида Араб шеърияти марказий кутубхонаси раҳбари Абдулазиз ал-Бобтайн «Ҳаммамизга маълум Хоразм ислом оламида илм ва маърифат тарқатишда муҳим роль ўйнаган. Унинг таниқли олимларидан бири – Абу Райҳон ал-Берунийнинг бебаҳо асарлари, дунёга ном таратган Ал-Маъмун академиясининг тикланиши, нафақат ўтмиш билан бугунги кун ўртасидаги кўприк, балки, келгусида фан ва маърифатни ривожлантириш йўлидаги оқилона қадам ҳам бўлиб қолди», деб қайд этди.

Китобдан Ал-Маъмун академияси билан ўз тақдирини боғлаган қатор мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумотлар, мазкур илм марказининг ҳозирги фаолияти тўғрисида ахборотлар ўрин олган. У хориж китобхонларини ўз асарларида илмнинг барча соҳаларини қамраб олган қомусшунос олимларимиз буюк мероси билан янада яқинроқ танишиш, ўлкамиз бой тарихидан воқиф бўлиш имконини беради.

Янги китоб Кувайт жамоатчилигида чинакам қизиқиш уйғотди. Кувайт университети сиёсатшунослик кафедраси ўқитувчиси, Форс кўрфази - Европа тадқиқотлари бўлими раҳбари Ҳейла ал-Мукайми Абу Райҳон ал-Беруний ва Абу Али ибн Сино каби олимлар фаолияти туфайли Ал-Маъмун академияси Ғарб илмий доиралари эътирофига сазовор бўлганини таъкидлади. Араб шеърияти марказий кутубхонаси мудири Суад ал-Ақиқи катта қизиқиш ила бу китоб билан танишиб чиққанини қайд этди. Унинг фикрича, тинчлик ва осойишталик, ижтимоий-иқтисодий юксалиш ва ҳукмрон доираларнинг фан арбобларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлгани, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани Хоразмга ўша даврдаги номдор олим ва алломаларнинг жалб этилишига катта таъсир кўрсатган ҳамда Ал-Маъмун академиясининг муваффақиятли фаолияти учун замин яратган.

Маданият, адабиёт ва санъат масалалари бўйича Кувайт миллий кенгаши бош директори ёрдамчиси, ЮНЕСКОнинг қадимий ёдгорликларни тиклаш бўйича кўмитаси аъзоси Али Ҳусайни ал-Юҳа «Жаҳон» ахборот агентлиги вакили билан суҳбатда Ўзбекистон бутун инсоният цивилизацияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган илм, маданият ва маърифат маркази сифатида қадимдан танилиб келганини таъкидлади. У ўзбек халқининг миллий қадриятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш бўйича республикамиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсатни юксак баҳолади. Ал-Маъмун академиясини тиклаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистонда аждодларнинг илмий ва маънавий меросига улкан эътибор кўрсатилаётганидан далолат беради, деди Али Ҳусайни ал-Юҳа.

«Жаҳон» АА

Тўловлар

ЭРТАГА ЎЗИНГИЗГА ҚИММАТГА ТУШАДИ

ҚИШДА ХОНАДОНИМИЗНИНГ ИССИҚ БЎЛИШИНИ, БАРЧА ФАСЛДА ЖЎМРАКДАН ИССИҚ СУВ РИСОЛАДАГИДАЙ ОҚИШИНИ ҲАР БИР ИСТЕЪМОЛЧИ ХОҲЛАЙДИ, АЛБАТТА.

Бунинг учун эса хизмат кўрсатувчи соҳа ходимлари эрта баҳордан кейинги мавсум тараддудини бошлашади. Ахир «Ёз ёпинчингни ташлама, қишда ўзинг биласан» деган ибора бежизга айтилмаган. Тайёргарликнинг эса ўзи бўлмайди. Ўтган мавсумдан хулоса чиқарилган ҳолда камчиликлар аниқланиб, носозликлар бартараф этилади, истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиқиб режалар амалга оширилади.

Албата, уларни бажариш учун зарур маблағларни топиш керак. Ахир турли эҳтиёт қисмларни топиш, сотиб олиш лозим. Хизматга яраша истеъмолчилар вақтида тўловларни амалга оширса майликуя, лекин бунинг акси бўлсачи? Шубҳасиз, ишлар ўлда-жўлда бўлади, яна асаббузарликлар бошланади.

Негадир айрим истеъмолчиларимиз буни тўғри англамай қарздорликни ошириб бормоқда. Хизматдан барча қатори фойдаланаяптию пулини бериши эса ниҳоятда қийин кечмоқда.

Туманлардаги айрим рекордчи қарздорларни кўриб ёқа ушлашингизга ҳам тўғри келади. Масалан, қарздорлар «шоҳсупа»сининг тўрини бемалол эгаллаб олган Шайхонтоҳур тумани, «Чорсу» даҳаси, 12-уй, 33,34-хонадонлар соҳиби М.Мирбобоеванинг 1.032200 сўм қарзи бўла туриб пинагини бузмаётганига нима дейиш мумкин?! Ундан асло қолишмаётган истеъмолчиялар туманнинг «Белтепа» мавзеси, 17-уй, 3-хонадон эгаси М.Абдуқаюмова 656500 сўм, «Жарариқ» мавзеси, 14-уй, 57-хонадонда яшовчи Б.Рашидов 604800 сўм қарзини узишга асло шошилмаётгани ачинарлидир. Шунингдек, тумандаги «Белтепа» мавзеси, 14-«Б»уй, 93-хонадондан Х.Гаппарова 56440 сўм, «Гулобод» мавзеси, 267-уй, 14-хонадондан У.Мирсодиқова 5224000 сўм, М.Улуғбек тумани, «Яланғоч» даҳаси, 100-А-уйдан Ш. Анорматов 583 минг сўм, «4-Қорасув» даҳаси, 1-уйдан Т.Халаулов 461 минг сўм, «Феруза» даҳаси, 61-уйдан Г.Тўрабекова 437400 сўм, «1-Қорасув» даҳаси, 5-уйдан Р.Турсунов 400 минг сўмга яқин иссиқ сув ва иссиқлик ҳақини тўлашмаган. Уларнинг нафақат коммунал хизмат ходимлари, балки қўни-қўшни, маҳалла-кўй олдида ҳам уялмаганига ҳайрон қоласиз. Ахир қачонгача эшикни очмай қўрқиб-писиб ўтиришади. Ундан кўра қарзларни тўлаб, юзлари ёруғ бўлгани яхши эмасми?!

Сув—табиатнинг бизга берган буюк инъоми, тириклик манбаи. Уни нафақат тежаб-тергаб қадрига етамиз, шунинг баробарида истеъмол қилинган сув ҳақини вақтида тўлаш ҳам бу борадаги муҳим ҳисса бўлади. Ахир сувсиз ҳаётимизни тасаввур этиш осонмас-ку. Лекин пойтахтимиз аҳолиси орасида буни англаб етмаганлар анчагина топилади. Йўқса қарзларини кунма кун, ойма ой, ҳатто йилма йил ошириб бошини қашлаб ўтиришмасди. Балки газетага хол бўлган номларини кўриб ушбу истеъмолчилар бироз уялишар. С. Раҳимов тумани «Қорақамиш 2/1» даҳаси, 46-уй, 6-хонадондан Муҳамедов 190 минг сўмга яқин, 7-А-уй, 47-хонадондан Г.Ашуров 154200 сўм, Шайхонтоҳур тумани, Шофайз кўчаси, 21-уйдан Ш.Мадраҳимов 155 минг сўмдан зиёд, Оқсой кўчаси, 4-уйдан А.Фатхуллаев 110155 сўм, «Марказ-13», 26-уй, 28-хонадондан М.Мавлонов 78875 сўм, Миробод тумани, Банокатий кўчаси, 176-уйдан Р.Ходматов 125400 сўм, Норхўжаев кўчаси, 164/9-уйдан С.Абдураҳмонова 64680 сўм совуқ сув тўловини бажаришмаган. Уларга совуқ сувни ишлатиш мойдай ёқади, аммо тўловга келганда пули чақади. Бу гапдан ўзлари тўғри хулоса чиқаришади; деган умиддамиз.

Табиий газнинг бебаҳолигини таъкидлашга ўрин йўқ. Буни ҳар бир хонадон эгаси жуда яхши билади ва беминнат дастёрнинг хизматидан етарлича фойдаланади. Хизматдан мамнун бўлиб, фойдаланилган табиий газ ҳақини вақтида тўлаётганларга гап йўқ. Аммо бу борада лоқайд ва бепарво кимсаларга эътирозлар етарли. Ахир нимага улар «зангори олов» дан барча билан баббаравар фойдаланишадию тўловга келганда эса жим-житлик... Ҳар нарсанинг ҳам чегараси борлигини унутиб қўйганлар орасида Яккасарой тумани, Чўпонота кўчаси, 48-хонадондан М.Ҳакимжонова (145682 минг сўм), Кичик бешёғоч кўчаси, 85-уйдан З.Асқарова (138300 сўм), Суқрот кўчаси, 17-уйдан С.Зуфаров (134137 сўм), Шайхонтоҳур тумани, Мажлисий кўчаси, 15-уйдан К.Акимов (100 минг сўм), М.Обид 2-тор кўчаси, 8-уйдан З.Мажидова (96920 сўм), Самарқанд Дарбоза кўчаси, 4-уй, 66-хонадондан Ш.Яхёева (77810 сўм)лар бемалол юришибди.

Тозалик—соғломликнинг гарови. Шу боис ҳам шаҳримиз кўча ва маҳаллаларидан ахлат ҳамда чиқиндиларни вақтида олиб чиқиб кетиш, уларнинг йиғилиб қолмаслигига эътибор катта аҳамият касб этади. Лекин айрим ҳамшаҳарларимиз кўчага турли чиқиндиларни олиб чиқиб ташлашадию уни олиб кетган соҳа ходимлари меҳнатини—бунинг учун кетадиган сарф-харажатларга пул тўлашни гўё унутиб қўйишади.

Айниқса, Учтепа туманида бундайларга кўплаб мисоллар бор. Туманнинг «Шафтолизор» маҳалласи, Истироҳат кўчаси, 11-уйдан А.Юсупов 60 минг сўм, 23-мавзе, 46-уй, 3-хонадондан М.Шодиев ва «Пахтакор» маҳалласи, Уйғур кўчаси, 29-уйдан Б.Раҳимов 40 минг сўмдан, шу маҳалладаги Тарбия кўчаси, 31-уйдан М.Миралимов 35 минг сўм, «Шафтолизор» маҳалласи, 5-Шоир кўчаси, 598-уйдан Б.Содиқов, 31-мавзе, 43-уй, 24-хонадондан Р.Ҳасанов, 45-уй, 100-хонадондан А.Ҳасенбоеваларнинг ҳар бири «Махсустранс» корхонасидан 30 минг сўмдан қарздор.

Халқимизда «Сендан угина—мендан бугина» деган яхши нақл бор. Қарздор истеъмолчиларга бу иборани бежизга эслатмоқчи эмасмиз. Сифатли ва намунали хизматни хоҳласангиз, ҳақини ҳам вақтида тўлаб қўйинг. Бу борадаги бепарво ва лоқайдлигингиз эртага ўзингизга қимматга тушади.

(Ўз мухбиримиз)

Сўранг, жавоб берамиз

ШИРКАТ ТУЗМОҚЧИМИЗ

Ўзимиз яшаётган кўп қаватли битта уйдан иборат ширкат ташкил этмоқчимиз. Шу боис хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатини ташкил этиш тартиби тўғрисида маълумот берсангиз.

Нозима Мансурова, уй бекаси.

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунида бу ҳақда қуйидагилар кўрсатилган:

— Ширкатни ташкил этиш тўғрисидаги қарор кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган бир нечта уйдаги жойлар мулкдорларининг, кўп квартирали ҳар бир уйдаги барча жой мулкдорларининг ёки улар вакилларининг эллик фоизидан кўпи ҳозир бўлган умумий йиғилишида қабул қилинади.

Жой мулкдорларининг умумий йиғилиши исталган жой мулкдорининг ташаббуси билан чақирилади.

Ширкатни ташкил этиш тўғрисидаги қарор, агар барча жой мулкдорларининг эллик фоизидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Кўп квартирали яқин, зич жойлашган бир нечта уйдаги жой мулкдорларини бирлаштирадиган ширкат ташкил этилаётганда ана шу уйларнинг ҳар биридаги жой мулкдорларининг эллик фоизидан кўпининг розилиги олинган бўлиши керак. Жой мулкдорларининг умумий йиғилишига ёзма шаклда берилган овозлари, агар унда ширкатни ташкил этиш масаласи бўйича мулкдорнинг қарори ва унга қарашли жой манзили кўрсатилган бўлса, ҳисобга олинишига йўл қўйилади.

Ширкатни ташкил этиш тўғрисидаги қарор кўп квартирали уйдаги барча жой мулкдорлари учун мажбурийдир.

Жой мулкдорларининг ташкилий умумий йиғилиши, қоида тариқасида, қуйидаги кун тартиби билан ўтказилади:

ширкатни ташкил этиш тўғрисида;

ширкатнинг уставини тасдиқлаш тўғрисида;

ширкат бошқаруви раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида;

ширкат тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисида.

Жой мулкдорларининг ташкилий умумий йиғилишида ширкатни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Жой мулкдорлари ташкилий умумий йиғилишининг овоз бериш натижалари ҳамда ёзма шаклда берилган овозлар сони кўрсатилган баённомасини йиғилиш раиси ва котиби имзолайди.

Луқма

ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ ЛОҚАЙДЛИК?

«ҚЎЙЛИҚ» БОЗОРИ ЁНИДА ЗАМОНАВИЙ КЎПРИКНИНГ БУНЁД ЭТИЛИШИ, АЛБАТТА БУ ЕРГА КЕЛИБ КЕТУВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК ЯРАТГАН БЎЛСА, ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҚАТНОВИДА ТИҚИЛИНЧ ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТДИ.

Албатта, бундай қулайликдан баҳраманд бўлаётганлар хурсанд. Лекин бозор ўз номи билан бозорда. Узоқ-кун бу ерга келиб кетувчиларнинг кети узилмайди. Кимдир деҳқон бозорига кирса, кимнингдир буюм бозорида юмуши бор. «Қўйлиқ» деҳқон бозори олдида ҳар ҳолда автомобилларнинг пуллик тўхташ жойи мавжуд. Лекин буюм бозори олдидаги аҳволни кўриб ҳам ажабланасиз, ҳам куюниб кетасиз.

Негаки, буюм бозори бунёд этилган кўприк билан ёнма-ён жойлашган бўлиб, кўприкнинг икки ёнида транспорт қатнови йўлга қўйилган. Айтиб ўтиш жоиз, чиндан ҳам ушбу йўлнинг икки тарафидан ҳам у ёқ, бу ёққа транспортлар бир зум тинмай қатнайди. Жамоат транспортлари ҳам бундан мустасно эмас. Лекин ана шу қатновга халақит берадиган бир ҳолат кўпдан буён давом этмоқдаки, бу ҳайдовчининг ҳам, йўловчининг ҳам асабига тегади. Аммо негадир мутасаддилар жим...

Кўприк остидаги йўлнинг икки тарафида, буюм бозори ёнида эртадан то кечгача шахсий автомашиналар ҳаракатсиз туради, яъни кўзда тутилмаган тўхташ жойи бўлиб қолган. Бу эса бошқа транспорт воситалари қатновига халақит бериши турган гап. Чунки йўлнинг қолган бир қисмидан аранг битта транспорт воситаси юрса бўлади. Бу транспортнинг бемалол ҳаракатланишига халал беради, тиқилинчликлар юзага келади. Натижада бахтсиз ҳодисалар содир этилмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Ушбу нохуш ҳолат мутасаддиларнинг ҳам эътиборини тортиб, керакли чора-тадбирлар кўрилса, албатта фойдадан ҳоли бўлмайди.

БМТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ КЎМАГИДА

Тошкентда «Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолатини мониторинг қилиш учун геоахборот тизимини қўллашда экология индикаторларининг маълумот базасини такомиллаштириш ва ривожлантириш» лойиҳасининг тақдимоти ўтказилди.

— Ўзбекистон экология муаммоларини ҳал этишда ҳозирги замон халқаро стандартлар даражасида миллий салоҳиятни ривожлантириши ва янада самаралироқ механизмлардан фойдаланиши лозим, — деди БМТТДнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Фикрет Акчура. Унинг сўзларига кўра, геоахборот тизими ёрдамида атроф-теварак ҳолати кўрсатгичларини шакллантириш республикамиз учун катта аҳамият касб этади. Ўз навбатида ушбу тизим ҳал этилиши ва техник-молиявий қўллаб-қувватлашни талаб қилувчи энг долзарб муаммоларни аниқлаш имконини беради. Бугунги кунда бу жиҳат ўзининг аҳамиятига кўра ижтимоий-иқтисодий соҳа, соғлиқни сақлаш, қишлоқликка барҳам бериш каби масалалар билан бир қаторда туради. Айнан шунинг учун ҳам ушбу муаммолар ечими мажмуали ёндошувни тақозо этмоқда.

— Мазкур лойиҳа мақсади Ўзбекистоннинг табиатдан оқилона фойдаланиш, экология ҳолатини яхшилаш бўйича тегишли қарорлар қабул қилишда қўл келадиган ахборотни қўлга киритишдан иборат, - деди лойиҳа менежери Людмила Аксенова тақдимот маросимида. Лойиҳа 2007 йилгача давом этади. Лойиҳа доирасида жуғрофий ахборот тизими, республика вилоятларининг тематик атласи яратилади. Шунингдек, турли экология ахборотлари таҳлилини ўтказиш учун зарур дастаклар мажмуаси ишлаб чиқилади.

Л.Аксенова жорий йилда экология индикаторларига оид лойиҳа якунланганини эслатиб ўтди. Бу эса атроф - муҳит ҳолатини баҳолаш ва табиий ресурслардан фойдаланиш шароитларини рўй-рост аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган миллий базани шакллантириш имконини берди. Ҳар икки лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши эса табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида давлат ахборот-таҳлил марказини ташкил этишга кўмак беради.

2005-2009 йилларга мўлжалланган мамлакат дастурини амалга ошириш фаолият режасига мувофиқ БМТТД томонидан 6 миллион доллардан зиёд маблағ Ўзбекистонда атроф-муҳит ва энергияга оид қатор лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилди. Шунингдек, мазкур лойиҳага давлатимиз томонидан 3 миллион доллар ва донор ташкилотлардан ҳам шунча маблағ ажратилди.

«Туркистон-пресс»

ТОШКЕНТНОМА







Бўзлайман хуфтондан бомдодга қадар,
Сизни соғинаман борлиғим, борим.
Йиллар ўтиб борар, кўрқаман магар,
Наҳотки ҳеч қачон етмайди зорим!?
Айтгин, нега сукут сақлайсан осмон,
Нега йўлламайсан милт этган мужда!?
Ёрим ташрифига кўзим нигорон,
Висол дамларини қўмсадим жуда.
Розимни жимгина тинглар юлдузлар,
Гўё ҳамдардсизлар забун ҳолимга.
Бир сирдан воқифдай пирпирайсизлар,
Жавоб беролмайсиз дил саволимга.
Нега қараб туриб индамайсан Ой?
Ёлғизлик азоби таниш сенга.
Бу дарднинг давоси бордир ҳойнаҳой,
Илтимос, сирингни сўйлагин менга.
Огоҳман! Самога чўзганча қўлим,
Тун бўйи кутаман қоқмасдан мижжа.
Не учундир сезиб турибди кўнглим,
Тонггача рўй берар ажиб мўъжиза...

1
Қаттиқ занг уради Тошкент қуранти,
Бекатга қарайман, тортаман сергак.
Шу пайт учрашишим аён бўлганди,
Негадир, безовта дукиллар юрак.
Ер кўкда айланиб юргани каби,
Мўъжизалар бўлиб тураркан такрор.
Менга кулиб боқди толе кавкаби,
Қаршимда нур сочиб келар эди ёр.
–Ассалом-алайкум, майин табассум,
Умид ака, нега айтмай келдингиз?
(Нечун нигоҳингиз бунчалар маъсум!)
Шу жойдан ўтишим қайдан билдингиз?
– Чорак асрки сизни кутяпман муштоқ!
Кейин боғ ичига кетдик ёнма-ён.
Қараганча қотиб қолдингиз шу чоқ,
Ҳазрат Соҳибқирон ҳайкали томон.
– Умид ака, айтинг тушимми, ўнгим,
Наҳотки бу Амир Темур ҳайкали!?
Қўпдан бу жойларга тушмабди йўлим,
Нималар юз берди мен йўқ маҳали?
– Орзу, асрий орзу ушалди кушод,
Бугун Ўзбекистон мустақил давлат!
Шу боис бу жойлар бўлгандир обод,
Бобомиз ҳайкали тўкмоқда савлат.
– Умид ака, наҳот гапларингиз рост,
Наҳотки юртимиз мустақил давлат!?
Ўртага сукунат чўкади бир оз,
Орзу кўзларида чақнайди ҳайрат.
– Орзу, юртимизнинг озод бўлгани,
Сизга муҳаббатим каби ҳаққаст рост!
Тошкентимиз яшнаб, гулга тўлгани,
Сизга садоқатим каби ҳаққаст рост!
– Умид ака, энди сизники навбат,
Мени айлантиринг шаҳримиз бўйлаб.
– Амрингиз вожибдир, буюринг фақат,
Хизматингиз қилай белимни бойлаб.
Илтимос, сайр этинг эркин, бемалол,
Ҳар бир янгиликка тикилманг ҳайрон.
Шу пайт яна Орзу туриб қолди лол,
Қараб Темурийлар музейи томон.
– Қани ичкарига айланг марҳамат!
Қўлдай очиқ эрур Усмон мусҳафи.
Қадимий ашёлар терилган қат-қат,

Уларда аждодлар шони шарафи.
Қадим дорилфунун бизни этар ром,
Кезамиз сирлашиб Сайилгоҳ бўйлаб.
Ташна дилимизга бағишлар ором,
Анна Герман, Ботир Зокиров куйлаб.
Эзгулик арқаси қошида биз ҳам,
Иқбол, висол ҳақда сурамиз хаёл.
Дунёда йўқ биздан бахтлироқ одам,
Таъзим бажо айлар ҳатто мажнунтол.
– Орзу, Мустақиллик майдонига кўрк,
Девон, Маҳкама ва Сенат биноси.
Шоирона айтсам, бу саройи турк,
Бу ҳур Ўзбекистон мўъжаз сиймоси.
Истиқлол рамзига қараб бахтиёр,
Фахр билан айтаман такрору такрор:
Эзгулик бор бўлса Мустақиллик бор,
Мустақиллик бўлса Эзгулик ҳам бор!
Мана ўзимизнинг машина – «Матиз»,
Ҳам ҳордиқ оламиз, ҳам сайр этамиз.
Шофёр донг қотади очганча оғиз,
Сўнг ўялиб сўрар: – Қайга кетамиз?
– Шаҳар айланамиз бўлинг хизматда,
Ҳақидан ҳам еманг, этурман рози.
Ёрга жилмаяман: Бугун изгатда,
Соғиниб учрашган Умид ва Орзу.
Навоий йўлида учади «Матиз»,
Шофёр радионинг қулоғин бурар.
«Азиз ҳамшаҳарлар, эл суйган ҳофиз,
Сизга Тошкентимиз маҳзани куйлар»:
Тангритоғ қўйнида яшнаган,
Сўлим жой Туронлар юртидир.
Бу уч минг йил аввал яшаган,
Зардуштий бобомнинг лутфидир.

2
Шубҳасиз, қачондир ёзади ровий,
Бу кунлар шукуҳи юз йилга татир.
– Кўринг, ўзликка хос ва замонавий
Услубда қурилди Миллий театр.
Обдон таъмирланган циркимиз гўё,
Учар ликопчага ўхшайди, қаранг.
Устига осмондан тушиши ранг, зиё,
Қанчалар ярашган унга мовий ранг.
Сизга мўъжизадир энди буёғи,
Нақадар яшариб кетгандир Тошкент.
Мана янгиланган Қодирий боғи,
Буниси болалар севган «Диснейленд».
Энди юртимизда унган лолага,
Ватан мерос эрур озод ва обод.
Энди ўзида бор ҳар бир болага,
Ижодиёт уйи беради қанот.
Энди товус қизлар ясаниш учун,
Либослар уйига қатнар бегумон.
Тағин лол қолади бу қадим очун,
Ўзбек қизи атлас кийиб чиққан он.
Саъбон кўчасига бир замон аранг
Сиғарди иккита пучуқ автобус.
Энди бу кўчанинг сатҳига қаранг,
Ўйноқлаб юрибди қўш троллейбус.
Қаранг замонавий бинолар ичра,
Устивор кўринар Шоший иншоот.
Унда мужассамдир асрий хотира,
Устида аждодлар руҳи учар шод.
Миллий дорилфунун мисоли офтоб,
Осмондир техника дорилфунуни.
Улуғбек, Беруний айлайди хитоб:
Зукко авлодларим ўқинг ҳар куни!
Шу жойда биз учун азиз хиёбон,
Илк бора учрашиб, сўзлашган эдик.
Илҳақ дилларимиз топганди дармон,
Эҳтимол, ҳозир ҳам соғиниб келдик.
Чеккада тўхтатиб учқур «Матиз»ни,
Оҳиста кетамиз хиёбон бўйлаб.
Шўхчан талабалар олқишлар бизни,
Очиқ дераздан қўшиқлар йўллаб:
Мозийда шаънингдан жар солдинг,

Чоч кентим, Бинкатим, Шош кентим.
Келажак кунларга йўл олдинг,
Тошкентим, Тошкентим, Тошкентим!

3
Беруний йўлида учади «Матиз»,
Ҳавасда кўл силкиб қолар барнолар.
Йўл бўйлаб теракдай терилган тиғиз,
Бўйда бир-биридан ўзар бинолар.
– Кўк гумбазлар «Эски Жува» бозори,
Расталар ўзгариб кетган батамом.
Кўзни қувонтирар «Жар»нинг гулзори,
Ҳеч киши айтолмас: Бу эски ҳаммом...
Сизга болаликдан таниш кўчалар
Ҳақида гапириш эришдир, Орзу.
Ўзингиз кўряпсиз, гўзал қанчалар

Самарқанд йўлидир энди буёғи.
– Тунилган юртимга этаман таклиф,
Деманг: бориб бўпман Жиззахингизга.
– Шоирим, аслида рўй берган ташриф,
Борганим етмасми юрагингизга.
– Айтинг, бунчалар ҳам гўзалдир дунё,
Айтинг, бунчалар тотли эрур ишқ.
Етмишчи осмонни кезаман гўё,
Завқланган руҳимни эркалар қўшиқ:
Юксалди Истиқлол байроғи,
Ҳур ўзбек юртимга бош кентим.
Чорлайди истиқбол маёғи,
Тошкентим, Тошкентим, Тошкентим!

5
Катта ҳалқа йўлда учади «Матиз»,

Орзу майсазорга қарайди ҳайрон.
– Майли, бир озгина олайлик ҳордиқ,
Орзу, бу гольф учун қурилган майдон.
Ўзимча ўйлайман, ўздик замондан,
Узоқ-узоқларда Тангритоғ бўйлар.
Куй-қўшиқ янграйди магнитофондан,
Ҳофиз Тошкентимиз мадҳини куйлар:
Қурдошинг Бухоро, Самарқанд,
Ҳамиша навқирон, ёш кентим.
Дунёда обрўйинг сарбаланд,
Тошкентим, Тошкентим, Тошкентим!

7
Кичик ҳалқа йўлда учади «Матиз»,
Тўкис кўрк очибди Пушкин майдони.
Оққўрғонда уйлар кўринар текис,
Демакки ушалган даҳа армони.
– Мана бу Миллий банк, мана бунниси
«Интерконтинентал» меҳмонхонаси.
Бири банклар банки, йўлчи юлдузи,
Бири меҳмонхона гавҳар донаси.
Ёшлар шодлигига тўлган «Аквабоғ»,
Чет элга бормаймиз бўлиб овора.
Ўзбек елкасида турган бир садоғ,
Осмонга қадалган телеминора.
Шундайин рўёбга чиқмас ҳеч орзу,
Озодлик йўлига мардлар тикди жон.
Фидойи шаҳидлар ёдгорлиги бу,
Улар ҳурлик учун бўлишган қурбон.
Оҳиста кирамиз сув саройига,
Ёшлар сузишади балиқ сингари.
Лол бўлиб Орзунинг гулчиройига,
Бизни қаршилайди сув парилари.
Кортлар орасида кезамиз хушбахт,
Чегара билмайди ўйлар парвози.
Соатдай маромда дукиллар шу вақт,
Кортдан келаётган тўплар овози.
Кейин кўзларимиз сарафроз этган,
Кирамиз асосий кўркам бинога.
– Бу жойда «Президент кубоги» ўтган,
Қурашимиз довруқ ёзган дунёга.
Эндиликда бу жой маиҳури олам,
Қанча юлдузларни кашф этди бу корт.
Эл-юртимиз учун ростини айтсам,
Шу жойдан бошланди оммавий спорт.
Ракетка тутади ўсмир қўлимга,
Ва таклиф қилади бир даврa ўйин.
Хавотир тушяди жиндай кўнглимга,
Ахир, ёш авлодга бас келиш қийин.
Айтинг, ёр олдида ким бўлар изза?
Ўйнайман ишончга ғайратим қўшиб.
Ишонсанг, рўй берар ажиб мўъжиза,
Бахту шодлигингни шарафлар қўшиқ:
Олдинда қатма-қат асрлар,
Барига етади ғайратинг.
Улкаяр баркамол насллар,
Мунчоқдай тизилар зийнатинг.
8
Йўл олдик қадимий Шоштепа томон,
Зиёрат қилмасак бўлмайди бир дам.
Чунки бу тепада бизга ноаён,
Милоддан аввалги тарих мужассам.
– Энди боражакмиз ер ости қасрга,
Метро бекатига «Матиз» элтади.
Умид ва Орзуни кўрдим деб бирга,
Шофёр раҳмат айтиб рози кетади.
Мармар зиналардан тушамиз аста,
Ҳабиб Абдуллаев қаршилар бизни.
Ҳайкали пойига қўйдик гулдаста,
Қабул қилинг бизнинг таъзимимизни.
– Бу йўл асримизнинг илк йўналиши,
Бекатлар номлари ўзликка монанд.

Давом этяпти зўр қурилиши,
Туташар Туркистон билан Самарқанд.
Бир силкиниб олиб кўзналар қатор,
Ойнадан чироқлар мўралар оний.
Кўзларни яйратар «Бодомзор», «Минор»,
«Абдулла Қодирий», «Юнус Ражабий».
«Минг ўрик»дан чиқдик ернинг юзига,
Яёв кетдик «Мовий гумбазлар» сари.
Сўзсиз қулоқ солдик юрак измига,
Шу йўлда ёзилган кўнгил дафтари.
Равон йўл ўрнида яшнаган чаман,
Орзу ҳайратини уйғотар такрор.
– Сиз ўтган йўлларга фидо жону тан,
Арзийди, ҳар қанча айласак гулзор.
Ўнгда Марказий банк бўй чўзди расо,
Ҳув турган вилоят ҳокимияти.
Орзу ҳисларини яширмас асло,
Чор атрофга қараб ошар ҳайрати.
– Орзу, мақтовини олдидан айтай,
Шаҳар ҳокимлиги чиндан ҳам гўзал.
Яхшиси, энди мен жимгина кетай,
Сизнинг ўйингизга бермайин халал.
Ёр билан ёнма-ён юрмоқ ўзи бахт,
Қўшиқлар куйлагим келади жўшиб.
Ҳокимлик биноси томондан шу вақт,
Фикрим илғагандай таралар қўшиқ:
Бахтингга пойдордир Оқсарой,
Довондан довонга ош кентим.
Бошингдан кетмасин Куёш, Ой,
Тошкентим, Тошкентим, Тошкентим!

Баногоҳ боғ урар Тошкент қуранти,
Баланд садосидан тушаман чўчиб.
Ҳозир ёнгинамда Орзу турганди,
Энди у йўқ, уйқум кетади ўчиб.
Ажабо! Бунда бор қандайдир ҳикмат,
Шунчалар туш кўриш мумкинми, ахир!
Эҳтимол, бу висол олди каромат,
Бешак бизни тағин учратар тақдир.
Руҳим кўтарилиб ростлайман қаддим,
Энди букилмайди собит иродам.
Бутун вужудимдан аришди дардим,
Гўё чорак асрга ёшардим шу дам.
Нурафшон осмонга қарайман шодмон,
Ой-юлдузлар менга йўллашар салом.
Бугун севинчимга тор олам-жаҳон,
Тилимдан тушмайди шукрона калом.
Оппоқ тонг отмоқда, чиқмоқда офтоб,
Менинг фикрим, сўзим, амалим зогу.
Тошкентим, ишончим комилдир шу тоб,
Бағрингда безавол Умид ва Орзу!

Асрор МЎМИН

Қайтадан яшарган Кўкалдош, «Чорсу».
– Умид ака, майли, жимгина кетай,
Бизни чорак аср ажратди фироқ.
Шу ўтган йилларда ростимни айтай,
Сизнинг сўзингизни соғиндим кўпроқ.
– Бу оламда борми мендан бахтиёр,
Ҳаёт миннатдорман сендан умрбод!
Яшаган кунларим кетмабди бекор,
Севгим учун олдим олий мукофот!
– Шоирим, жўш урманг ҳаддан зиёда,
Борар жойимиз кўп, шаҳримиз азим.
– Хўп бўлади, Орзу! Кетдик пиёда,
Ҳазрат Навоийга айлаймиз таъзим.
Гулчи қизлар шошиб чиқади пешвоз,
Орзуга гулдаста этаман тақдим.
Олий Мажлис ёққа қараганча боз,
Буюк шоир томон ташлаймиз одим.
Кўёш нурларида саҳна жимирлар,
Ҳудди узукдаги дур кўз сингари.
– Ҳар йили шу жойда бошлаб берилар,
Мустақиллик, Наврўз тантаналари.
Ёр билан ёнма-ён зинама-зина,
Шоир хузурига чиқамиз аста.
Таъзим бажо айлаб бир оз жимгина,
Ҳайкалнинг пойига қўйдик гулдаста.
Ботиндим қарашга ҳайкал юзига,
Ҳазрат сиймосидан ёғарди ёғду.
Мисоли кўринган Гули кўзига,
Ё чиндан Гулига ўхшайди Орзу.
Орзу ҳайрат ичра қарарди шу вақт:
– Ё тавба, ёшлигим ўтган боғми бу?
Донолардан бизга мерос шу ҳикмат:
– Кўриб турганингиз рост эрур, Орзу.
Сўлим боғ қўйнида юрибмиз сармаст,
Гўёки қўш товус, гўё қўш жайрон.
Ўтганлар кўзида кўраман ҳавас,
Орзуга тикилиб қолишар ҳайрон.
Бизга чойхоначи чиқади пешвоз,
Бир пиёла чойга таклиф этади.
Соҳилда чой ичиб ором олиш соз,
Яна дил торини қўшиқ чертади:

Доп бердинг қаҳратон қишларга,
Боғларинг гуллатди баҳорлар.
Кечмишинг айланди тушларга,
Қайтадан жўш урди анҳорлар.

4
Бобур кўчасидан кетдик пиёда,
Кўнгил ҳам безовта, ҳам қувонади.
Чунки ошиқ шоир борки дунёда,
Ёр ва «Хамса» ишқи билан ёнади.
Шундай ўт тутташа шоир дилида,
Аввал Низомийдан сўрар ижозат.
Шу боис биз улуғ ният йўлида,
Унинг ҳайкалини қилдик зиёрат.
– Эй «Хамса» сарбони, Орзу ғувоҳим,
Менинг истагимдан ранжиманг фақат.
Паровозга шайландим, бўлинг паноҳим,
Менга ҳам кўрсатинг андак марҳамат.
Хайкалнинг пойида туравердим тиз,
Орзу айтмагунча умидвари калом.
Эгарланган отдай ҳозирдир «Матиз»,
Ва яна сайримиз этади давом.
Ялт этган учоқлар сингар самога,
Учар Сеул, Деҳли, Париж, Рим сари.
Аэропорт дарвоза бутун дунёга,
Биноси шаҳарнинг дури гавҳари.
– Орзу, вокзалимиз ҳам азим гулзор,
Яшариб кетгандир Қушбеги, Бошлиқ.
Сирғалида уйлар юксалди қатор,
Марказга боғланган йўли яратиқ.
Ниҳоят, туташди Катта ҳалқа йўл,
Мисоли Тошкентнинг олтин белбоғи.
Ҳурлик нафасидан кўм-кўк ўнги сўл,

Ал-Хоразмий қолар, Бўзсув қолади.
Ибн Сино мажмуи қолар изма-из,
Олдда Юнусобод кўзни олади.
Мана бу Ҳумоюн, мана бу Дўрмон,
Мана бу кошона янги Оқсарой.
Унга Мустақиллик берган ном, унвон,
Унга бунёдкорлик берган бўй, чирой.
Қаёққа қараманг равон кўча, йўл,
Юраман деганга кўндир манзиллар.
Олтин дамларимиз кўмсайди кўнгил,
Бизни чорлаяпти шаҳри фозиллар.
Устозлар ишлаган жойларда бўлиб,
Наботот боғига кирамиз албат.
Ширин хотиралар келар қуйилиб,
Ўтганни эламоқ ўзи саодат.
Ажиб уйғунлик бор: бир ён келажак,
Бир томонда эса юртнинг қалқони.
Ахир, истиқболга билим беланчак,
Зобит-аскар эса элнинг посбони.
Аслида, дунёда бор нарса уйғун,
Бир-бирига боғлиқ яралган тугал.
Иккимиз учрашиб турибмиз бу кун,
Ёзилгани учун тақдири азал.
Қачондир бехабар бир-биримиздан,
Фозиллар шаҳрига ишга келгандик.
Ўргилсак арзийди тақдиримиздан,
Шу жойда учрашиб шодон бўлгандик.
Энди бу масканда баланд бўйлади,
Юлдузшунос даҳо – Мирзо Улуғбек.
Олис сайёралар ҳақда ўйладим,
Ҳайкали қошида турганимча тек.
Қанча сайёралар ичра фазода,
Кезади Беруний, Улуғбек, Бобур.
Излайман, кўзларим арши аълода,
Орзу сайёраси қаерда ҳозир!?
Аждодларим руҳи учар самода,
Бу чексиз коинот эмасдир бўшлиқ.
Қўлларим муаллақ қотмас ҳавода,
Хаёлимни бўлар дилрабо қўшиқ:
Юлдузга қўл чўзди одамлар,
Ёришиб боряпти кечалар.
Ҳар ёнда залворли қадамлар,
Кўрк очди қадимий кўчалар.
6
– Узримиз бор, устоз Ҳамид Олимжон,
Тўғри, туйиш учун Тошкент нафасин,
Яёв кезиш керак борича имкон,
Ҳар биттa кўчасин, ҳар бир даҳасин.
Шундай сайр этишни истайди кўнгил,
Ва лекин вақтимиз жуда тиғиз.
Барча ғазарларга улгуриш мушкул,
Ҳаттоки кезмайлик учқур «Матиз»да.
Ният шу: Тошкентнинг кўчаларида,
Яёв сайр этамиз бир кун бегумон.
Яйраб кезсак ойдин кечаларида,
Дилда қолмас эди заррача армон.
Энди бизга рухсат, кечиринг устоз,
Панд учун ташаккур айтамиз сизга.
Дархондан Шарқ сари этамиз парвоз,
Қайтадан чиққанча учқур «Матиз»га.
– Орзу, бу даҳанинг кўприк-йўллари,
Қандай таассурот қолдирди сизда?
Бу жой шундаймиди ёлғиз йўллари,
Тибб олиғоҳига келганингизда?
– Шаҳримиз шунчалар ўзгариб кетган,
Ҳаттоки кўзларимга ишонмаяпман.
Сиз айтгандай, бошим осмонга етган,
Бир ташаманн, қараб ҳеч қонмаяпман.
Орзуни лол этар Паркент бозори,
Теварак-атрофга қарар қувониб.
Тилига кўчади кўнгил изҳори:
– Шаҳримизни сира бўлмайди таниб!
– Энди Оҳангарон йўлига қаранг,
Бу кўркам бинолар бормиди аввал?
– Умид ака, йўлни англадим аранг,
Дала эди, даҳа бўлибди гўзал.
Бугун осмон мовий, гўзалдир борлиқ,

Орзу майсазорга қарайди ҳайрон.
– Майли, бир озгина олайлик ҳордиқ,
Орзу, бу гольф учун қурилган майдон.
Ўзимча ўйлайман, ўздик замондан,
Узоқ-узоқларда Тангритоғ бўйлар.
Куй-қўшиқ янграйди магнитофондан,
Ҳофиз Тошкентимиз мадҳини куйлар:
Қурдошинг Бухоро, Самарқанд,
Ҳамиша навқирон, ёш кентим.
Дунёда обрўйинг сарбаланд,
Тошкентим, Тошкентим, Тошкентим!

7
Кичик ҳалқа йўлда учади «Матиз»,
Тўкис кўрк очибди Пушкин майдони.
Оққўрғонда уйлар кўринар текис,
Демакки ушалган даҳа армони.
– Мана бу Миллий банк, мана бунниси
«Интерконтинентал» меҳмонхонаси.
Бири банклар банки, йўлчи юлдузи,
Бири меҳмонхона гавҳар донаси.
Ёшлар шодлигига тўлган «Аквабоғ»,
Чет элга бормаймиз бўлиб овора.
Ўзбек елкасида турган бир садоғ,
Осмонга қадалган телеминора.
Шундайин рўёбга чиқмас ҳеч орзу,
Озодлик йўлига мардлар тикди жон.
Фидойи шаҳидлар ёдгорлиги бу,
Улар ҳурлик учун бўлишган қурбон.
Оҳиста кирамиз сув саройига,
Ёшлар сузишади балиқ сингари.
Лол бўлиб Орзунинг гулчиройига,
Бизни қаршилайди сув парилари.
Кортлар орасида кезамиз хушбахт,
Чегара билмайди ўйлар парвози.
Соатдай маромда дукиллар шу вақт,
Кортдан келаётган тўплар овози.
Кейин кўзларимиз сарафроз этган,
Кирамиз асосий кўркам бинога.
– Бу жойда «Президент кубоги» ўтган,
Қурашимиз довруқ ёзган дунёга.
Эндиликда бу жой маиҳури олам,
Қанча юлдузларни кашф этди бу корт.
Эл-юртимиз учун ростини айтсам,
Шу жойдан бошланди оммавий спорт.
Ракетка тутади ўсмир қўлимга,
Ва таклиф қилади бир даврa ўйин.
Хавотир тушяди жиндай кўнглимга,
Ахир, ёш авлодга бас келиш қийин.
Айтинг, ёр олдида ким бўлар изза?
Ўйнайман ишончга ғайратим қўшиб.
Ишонсанг, рўй берар ажиб мўъжиза,
Бахту шодлигингни шарафлар қўшиқ:
Олдинда қатма-қат асрлар,
Барига етади ғайратинг.
Улкаяр баркамол насллар,
Мунчоқдай тизилар зийнатинг.
8
Йўл олдик қадимий Шоштепа томон,
Зиёрат қилмасак бўлмайди бир дам.
Чунки бу тепада бизга ноаён,
Милоддан аввалги тарих мужассам.
– Энди боражакмиз ер ости қасрга,
Метро бекатига «Матиз» элтади.
Умид ва Орзуни кўрдим деб бирга,
Шофёр раҳмат айтиб рози кетади.
Мармар зиналардан тушамиз аста,
Ҳабиб Абдуллаев қаршилар бизни.
Ҳайкали пойига қўйдик гулдаста,
Қабул қилинг бизнинг таъзимимизни.
– Бу йўл асримизнинг илк йўналиши,
Бекатлар номлари ўзликка монанд.

Давом этяпти зўр қурилиши,
Туташар Туркистон билан Самарқанд.
Бир силкиниб олиб кўзналар қатор,
Ойнадан чироқлар мўралар оний.
Кўзларни яйратар «Бодомзор», «Минор»,
«Абдулла Қодирий», «Юнус Ражабий».
«Минг ўрик»дан чиқдик ернинг юзига,
Яёв кетдик «Мовий гумбазлар» сари.
Сўзсиз қулоқ солдик юрак измига,
Шу йўлда ёзилган кўнгил дафтари.
Равон йўл ўрнида яшнаган чаман,
Орзу ҳайратини уйғотар такрор.
– Сиз ўтган йўлларга фидо жону тан,
Арзийди, ҳар қанча айласак гулзор.
Ўнгда Марказий банк бўй чўзди расо,
Ҳув турган вилоят ҳокимияти.
Орзу ҳисларини яширмас асло,
Чор атрофга қараб ошар ҳайрати.
– Орзу, мақтовини олдидан айтай,
Шаҳар ҳокимлиги чиндан ҳам гўзал.
Яхшиси, энди мен жимгина кетай,
Сизнинг ўйингизга бермайин халал.
Ёр билан ёнма-ён юрмоқ ўзи бахт,
Қўшиқлар куйлагим келади жўшиб.
Ҳокимлик биноси томондан шу вақт,
Фикрим илғагандай таралар қўшиқ:
Бахтингга пойдордир Оқсарой,
Довондан довонга ош кентим.
Бошингдан кетмасин Куёш, Ой,
Тошкентим, Тошкентим, Тошкентим!

Баногоҳ боғ урар Тошкент қуранти,
Баланд садосидан тушаман чўчиб.
Ҳозир ёнгинамда Орзу турганди,
Энди у йўқ, уйқум кетади ўчиб.
Ажабо! Бунда бор қандайдир ҳикмат,
Шунчалар туш кўриш мумкинми, ахир!
Эҳтимол, бу висол олди каромат,
Бешак бизни тағин учратар тақдир.
Руҳим кўтарилиб ростлайман қаддим,
Энди букилмайди собит иродам.
Бутун вужудимдан аришди дардим,
Гўё чорак асрга ёшардим шу дам.
Нурафшон осмонга қарайман шодмон,
Ой-юлдузлар менга йўллашар салом.
Бугун севинчимга тор олам-жаҳон,
Тилимдан тушмайди шукрона калом.
Оппоқ тонг отмоқда, чиқмоқда офтоб,
Менинг фикрим, сўзим, амалим зогу.
Тошкентим, ишончим комилдир шу тоб,
Бағрингда безавол Умид ва Орзу!

Асрор МЎМИН

Тиббиёт

ХАРИДОРГИР ПРЕПАРАТЛАР

«НОВОФАРМА-ПЛУС» ДЕБ НОМЛАНГАН ЎЗБЕК-КИПР ҚЎШМА КОРХОНАСИ ДОРИВОР ВОСИТАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН ЯҚИНДАН ШУҒУЛЛАНМОҚДА. КОРХОНА АМПУЛАЛИ ПРЕПАРАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ТАДБИРЛАРИНИ ҲАМ КЎРДИ.

Шу мақсадда четдан кўплаб янги техникаларни олиб келишга киришилди. Бунинг учун қўшма корхонага «Асака» банки кредит маблағи ажратди.

Ўзбек-кипр қўшма корхонаси республикамизда ўз фаолиятини 2004 йилда бошлаган эди. Бу орада буюртмачиларга кўплаб дори-дармонлар етказиб берилди. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

МАТБААЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

БУГУНГИ КУНДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА МАТБАА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ЖАРАЁНЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА. «БОЗОР ШАРОИТИДА МАТБАА КОРХОНАСИНИНГ ДИНАМИК МОДЕЛИ», «МАТБАА СОҲАСИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» ДЕГАН ЙЎНАЛИШДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТАДҚИҚОТЛАР ҲАМ КУТИЛГАН НАТИЖАЛАРНИ БЕРМОҚДА.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Тўқимачилик, кимё, ахборот ва матбаа кимё технологияси» факультети олимларининг бу изланишлари натижасида «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компаниясининг илмий-техник ривожланиш концепцияси ҳам тайёрланди. Ушбу йўриқнома асосида газета ва журналларни рақамли технология негизида чоп этиш тадбирлари ҳам кўрилди.

Акбар АЛИЕВ

Фан

ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ЮТУҚЛАРИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИДА ТОЛИБИ ИЛМЛАР ЖУДА КЎП. УЛАР ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА.

Бундай иқтидорли ёшлар туфайли институтда илмий-техникавий, иқтисодий, назарий билимларни тадқиқ этиш кўлами ортиб бормоқда. Бу жараённи кенг йўлга қўйиш билан SIFE ташкилоти бевосита шуғулланмоқда. Ушбу истиқболи порлоқ уюшма тузилганига беш йил бўлди.

Олий ўқув юрти талабалари ўртасида халқаро ҳамкорликда ишлаш борасида ҳам қатор ютуқлар қўлга киритилди. Бугуни кунда институтда SIFE—INSPIRATION илмий гуруҳи ҳам фаолият кўрсатмоқда.

ЯНГИ ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

«СИГНАЛЛАРНИ РАҚАМЛИ ҚАЙТА ИШЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИНИ ЯРАТИШ» ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДҚИҚОТ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ НАТИЖАСИ ДЕБ БАҲОЛАНДИ.

Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Ахборот технологиялари кафедраси томонидан юзага келган бу тадқиқот амалиётда ҳам ўзига кенг йўл топмоқда. Ундан «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «ЎзДЭУ» қўшма корхонаси, «Гидроасбоб» илмий марказида ҳам фойдалана бошлашмоқда. Тадқиқот ихтиро сифатида фойдали қазилмалар ва уларнинг мавжуд заҳираларини аниқлашда, нефть ва газ конларини бурғулашда ҳам қўл келади.

Акбар АЛИЕВ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ КУЛОЛЛАР СЕМИНАРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА ВИЛОЯТЛАРИДАГИ МИЛЛИЙ АМАЛИЙ САНЪАТИМИЗНИНГ ЭНГ НОДИР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ – КУЛОЛЧИЛИКНИНГ МОҲИР УСТАЛАРИ КАСБИЙ МАСАЛАЛАР, ТАЖРИБА АЛМАШИШ ЙЎЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ, ЎЗЛАРИНИНГ ЯНГИ ИШ УСЛУБЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШ УЧУН ТОШКЕНТДА ЙИҒИЛДИЛАР.

26 июнь куни Акбар Раҳимов кулолчилик мактабида кулолчиларнинг анъанавий технологияларига бағишланган биринчи семинари очилди. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси» ҳамда ЮНЕСКО томонидан ташкил этилди.

Учрашувдан кўзланган мақсад – қадимий анъаналар, табиий бўёқлардан фойдаланишнинг тарихий технологияларини тиклаш, санъатнинг бу йўналишини ривожлантиришдаги тажрибани умумлаштириш ва янги турларини кашф этишдир. Семинарда мамлакатимиздаги барча кулолчилик мактаблари – Риштон, Ғиждувон, Андижон, Хоразм ва Гурумсарой вакиллари иштирок этмоқда.

АҚШнинг Аризона университети амалий фанлар профессори, жаҳон кулолчилиги тарихи соҳасидаги энг илғор мутахассислардан бири Памела Вандивер семинарнинг махсус меҳмони бўлди.

Замира АЗИЗХОНОВА
«Жаҳон» АА

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўзганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

БУЗУРГМЕҲР ҲАКИМ СЎЗЛАРИДАН

У айтди:« Устозимдан, нималарга етсам ҳамма нарсага етишишим мумкин», деб сўрадилар. У айтди: «Саломатликка, хотиржамликка!» Яна сўрадим: «Ишларимни кимга ишониб топширай?» Айтди: «Ўз қадрини билган одамга», Яна сўрадим: «Ёшлик ва қариликда нима яхши?». Айтди: «Ёшликда илм олиш қариганда ундан фойда олиш». Яна сўрадим: «Ўсишим учун кимлардан эҳтиёт бўлишим керак?» Айтди: «Нокасдан, тилёғламачидан ва бойиган хасисдан».

Яна сўрадим: «Сахий ким?» Айтди: «Бировга нарса бериб шод бўлган киши». Яна сўрадим: «Ҳамма қидирадиган, аммо ҳаммага бирдек насиб қилаверадиган нарса нима?» Айтди: «Тўрт нарса: тандурустлик, ростлик, шодлик ва холис дўст». Яна сўрадим: «Яхшилик қилган яхшими ёки ёмонликдан қочишми?» Айтди: «Ёмонликдан қочиш ҳамма яхшиликнинг бошидир». Яна сўрадим» «Доногa оро берадиган нарса мурувватни бузади?» Айтди: «Улуғ кишилар мурувватини бахиллик, донишмандлар мурувватини манманлик ва такаббурлик, хотинлар мурувватини беҳаёлик, одам мурувватини ёлғончилик».

Яна сўрадим: «Нима қилсам табибга ишим тушмайди?» Айтди: «Кам е, кам гапир ва меъёрида ухла». Яна сўрадим:«Ғийбат ва қийинчиликка қолмаслик учун қайси феълларга эга бўлай?» айтди: «Туҳматдан узоқ бўл, камозор бўл, ҳамиша одобли бўл».

ЛУҚМОНИ ҲАКИМНИНГ ЎҒЛИГА АЙТГАН НАСИҲАТЛАРИ

У ўзига айтди: «Агар бу панду насиҳатларни ёдда тутсанг ва уларга амал қилсанг, ақл ва улуғликка эга бўласан. Аввало сўзни ўзингга яраша гапир, одамларнинг қадру қимматни англа, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини тани, сирини маҳкам сақла. Одамларни бошингга иш тушганда сина, дўстни фойда ва зарарда имтиҳон қил. Доно ва зийрак одамлар билан дўст тутин, аблаҳ ва нодон одамлардан қоч, хайрли ишларни амалга оширишга жидду-жаҳд билан кириш. Сўзни ҳужжат билан гапир, маслаҳатни доно одамлар билан қил, ёшликни ғанимат бил. Ёшликда керакли ишларни қилиб қол. Дўстларингни ҳурмат қил, уларнинг хизматини жон деб қабул қил. Устозингни иззат қил, чиқимни киримга яраша қил. Саховатпеша бўл, меҳмонга чин дилдан хизмат эт, бировнинг уйига кирсанг кўзингни эҳтиёт қил. Улуғлар суҳбатида ўтирсанг, тилингга эҳтиёт бўл.

Кўпчилик ичида бўл, либосларингни покиза тут, болаларингни илм, адабга ўргат. Тунда гапирсанг, паст овозда гапир, кундузи гапирсанг, атрофингдагиларга эътибор бер. Кам гапириш ва кам ейишни одат қил. Ўзингга раво кўрган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўр. Ҳар бир ишни ақл билан қил, бировнинг нарсасига кўз тикма. Пасткаш кишилардан вафо кутма, қилинмаган ишни қилганга ҳисоб қилма. Бугунги ишни эса эртага қолдирма.

Нокас ва бахил кишилардан яхшилик умид қилма. Ўзингдан улуғ кишилар билан ҳазиллашма. Улуғлар билан сўзлашганда сўзни узайтирма, ҳожатманд кишиларни қуруқ қайтарма, бировларнинг устида эса фармонбардорлик қилма. Бировнинг яхшилигини яхшилик билан қайтар. Икки одамнинг ўртасида чақимчилик қилма.

ҒУЛОМ МУҲАММАД ВОСИФ ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

ХЎРОЗ ВА ГАВҲАР ҲИКОЯТИ

Бир хўроз донлаш учун зўр бериб тупроқни титар эди. Ногаҳон тупроқ ичидан қимматбаҳо гавҳар чиқиб қолди. «Э, воҳ!—афсус билан қичқирди хўроз.

—Бунинг ўрнига бир дона гуруч чиқса ҳам майли эди. Мен учун юзлаб гавҳардан бир дона гуруч минг бор афзалдир!»

Ҳаётда шундай ҳоллар ҳам бўладики, баъзи кишилар ўзаро низо қилиб қон тўкадилар. Бу низо ҳеч кимга фойда бермайди. Аксинча, ҳар икки томоннинг зиён тортишига сабаб бўлади. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоятни келтирадилар.

ҚУРБАҚАЛАР, СИЧҚОНЛАР ВА КАЛХАТ ҲИКОЯТИ

Қадим замонда сувли ерлар салтанати учун қурбақа ва сичқонлар ўртасида қаттиқ жанг содир бўлди. Ҳар икки томоннинг азамат паҳлавони ўртага чиқиб, куч синашмоқда эди. Ногоҳ осмондан бир калхат пайдо бўлиб, ҳар иккисига чанг солди ва ўлжа қилиб олиб кетди.

Ўзаро пайдо бўлган хусумат ва жанг фақат икки томон учун оғир мусибатлар келтириши ҳақида яна қуйидаги ҳикоятни ҳам келтирадилар.

ШЕР, АЙИҚ ВА ТУЛКИ ҲИКОЯТИ

Шер билан айиқ ўзаро келишиб овга чиқдилар ва сахрода бир оҳу боласини ўлжага олдилар. Аммо уни бўлиб олиш учун ўртада жанг пайдо бўлди. Икки тараф ўртасида жанг шундай давом этдики, натижада уларнинг қимирлашга ҳам мажоллари етмай қолди. Бундан воқиф бўлган тулки оҳу боласини кўтарганича жўнаб қолди. Уни қувлашга тоқати бўлмаган шер билан айиқ: «Биз уни тенг бўлишга рози бўлмай жанг қилаётган эдик. Айёр тулки бўлса уни осонгина олиб кетди!» деб афсусланганича қолавердилар.

Номувофиқ дўст ва ҳийлакор душмандан қочмоқ ва эҳтиёт бўлмоқ барча кишилар учун зарурдир. Чунки вафосиз дўст ва қорадил душман ўз ҳамдамлари орқали ўз манфаатига етишиш учун интиладилар. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоятни келтирадилар.

ШЕРНИНГ БОШҚА ЖОНИВОРЛАР БИЛАН ШЕРИК БЎЛИБ ОВГА ЧИҚҚАНИ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

Нақл қилишларича, шер бир куни бўри, тулки ва айиқ билан шерик бўлиб овга чиқди. Улар ўзаро аҳд қилишиб: «Агар бирор ўлжани қўлга туширсак, аҳиллик билан, тенг бўлиб оламиз!» дейишди. Шундай қилиб бир оҳуни қўлга туширдилар. Уни тўртга бўлишиб, ҳар ким энди ўз ҳиссасини олмоқчи бўлиб турганда, шер наъра тортиб деди:

«Сабр қилинг, ҳиссанинг биринчи бўлаги меникидир. Чунки мен ичингизда энг юксак шону шавкатга эга бўлган кишиман. Иккинчи ҳиссани эса, мен ҳаммадан кўпроқ ҳаракат қилганим учун оламан. Учинчи ҳисса ҳам менинг ҳақимдир. Агар кимки бунга рози бўлмаса, ўртага чиқсин, мен у билан яккама-якка жанг қилишга тайёрман!»

Бечора жониворлар индамай қолаверишди.

Ҳар кимга давлат ва иқбол ёр бўлганда ўз ёру биродарларига ёрдам қўлини чўзмаса, у ҳам куни келиб хорлик занжири билан боғланганда, дўстлари у тутган каби йўл тутадилар.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

Тадбирлар

ҚАДР ТОПГАН КЕКСАЛИК

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ ОЛИМ ХЎЖАЕВ НОМЛИ МАҲАЛЛАДА ТУРЛИ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ, ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ОШИРИШ, МАҲАЛЛАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ТЕЗ-ТЕЗ ЎТКАЗИБ ТУРИЛАДИ.





Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўтказилган «Қадр топган кексалик» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир ҳам маҳалла фуқаролар йиғини, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Тошкент оқшоми» газетаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирга таклиф этилган маҳалланинг фахру ифтихори бўлган ёши улуғ фуқаролари бир пиёла чой устида гурунглашишди, ҳомийлар ва шифокорлар йилининг мазмун-моҳияти хусусида сўз борди. Якка-ёлғиз, кўмакка муҳтож қариялардан Жўра ота Сулаймонов, Худойберди ота Юнусовларга совғалар топширилди.

Маҳалла ободончилиги ва равнақига ўз ҳиссасиини қўшган, ҳозирда ётуғлик ҳолда бўлган рассом ва сураткаш, II жаҳон уруши қатнашчиси Павел Блашицин, шунингдек, Мурод Қосимов, Марат Ёқубов каби кексаларнинг уйларига бориб хол-аҳвол сўралди, саховатли инсонлар — Аҳмад Орипов, Шоир Мансуров, Шавкат Маҳмудов ва Обид Солиҳовлар томонидан баҳоли-қудрат ажратилган совға-саломлар туҳфа этилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: Олим Хўжаев маҳалласида ўтказилган «Қадр топган кексалик» маънавий-маърифий тадбиридан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар



Футбол

БРАЗИЛИЯНИ ТЎХТАТИБ БЎЛМАЙДИ

НИҲОЯТ ИШҚИБОЗЛАР УЗОҚ ВАҚТ КУТГАН ДАМЛАР КЕЛИБ, КЕЧА НИМЧОРАК ФИНАЛ УЧРАШУВИДА БРАЗИЛИЯ ВА ГАНА ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎЗАРО КУЧ СИНАШДИ. ГАП ШУНДАКИ, ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮҚОРИ ТЕЗЛИК ОСТИДА, ҲУЖУМКОР ВА ЭНГ ЧИРОЙЛИ ЎЙИН КЎРСАТАЁТГАН ЖАМОАЛАР УЧТА БЎЛСА (ГЕРМАНИЯ, БРАЗИЛИЯ, ГАНА), ШУЛАРДАН ИККИТАСИ КЕЧА МАЙДОНГА ТУШДИ.

Масаланинг яна бир ўзига хос томони бор. Бугун Бразилия терма жамоаси шундай ажойиб юлдузли таркибга эга, юксак спорт формасидаки, гўё уни тўхтатиб қолиш ҳеч қайси команданинг қўлидан келмайди. Бироқ, бундан беш йил муқаддам ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида айнан Гана термаси зафар қучган ва «плей офф» босқичида бразилияликлар устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган эди. Айнан ўша таркибдаги чарм тўп усталаридан бир нечтаси кечаги қизиқарли ўйинда майдонга тушди. Бу ганаликлар рақибларидан чўчимай майдонда ҳаракат қилишади, демакдир.

Жамоаларнинг таркиблари хусусида тўхталадиган бўлсак, Гана «жанговар» таркибда майдонга тушган бўлса, Бразилия терма жамоасида тажрибали ҳимоячи Роберто Карлосни яна кўрдик, жароҳат олган Рабиньо ўрнига майдонда Адриано ҳаракат қилди.

Кутилганидек, Гана термаси ўйин бошиданоқ ташаббусни ўз қўлига олишга ҳаракат қилди. Ганаликлар юқори тезликда ҳаракат қилиб, бир-бирларига аниқ тўп ошириш бобида сермазмун ўйин кўрсатишди. Лекин уларга ҳал қилувчи дақиқаларда, рақиб жарима майдончасида қатъият ва аниқлик етишмади. Бразилияликлар эса қарши ҳужум тактикасини қўллаб, вақти-вақти билан рақибларини «қақшатиб» туришди.

Шундай қарши ҳужумларнинг бирида — ўйиннинг 5-дақиқасида Роналдо дарвозабон билан яккама-якка чиқиб, алдамчи ҳаракатлар билан уни ортда қолдирди ва бўш қолган дарвозага тўп йўллаб, ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Таъкидлаш жоизки, бу Роналдонинг ушбу жаҳон чемпионатидаги учинчи, умуман ўзи қатнашган чемпионатлардаги ўн бешинчи тўпи бўлиб, сермаҳсуллик борасида биринчи ўринга чиқиб олди.

13-дақиқада бразилияликлар яна бир хавфли ҳужум уюштиришди. Адриано шиддат билан ўнг қанотдан рақиблар жарима майдончасига ёриб кирди, фақат қизғанчиқлик қилиб тўпни жуда қулай вазиятда турган жамоадоши Рональдога узатмаганлиги сабабли хавфли вазият барҳам топди.

Гана терма жамоаси ўйинчиларидан Мунтари, Апеа, Амоа, Драманлар бир неча бор қулай вазиятларга эга бўлсалар-да, лекин африкаликларнинг қанотлардан унумли фойдаланиб, майдон маркази орқали тўп киритишга қаратилган ўйин услублари бу гал иш бермади. Энг қулай вазиятда эса бурчакдан чиқарилган тўпни Жон Менса боши билан дарвозага аниқ йўллади, бироқ тўп ногаҳон дарвозабон Диданинг оёғига теккан ҳолда тўрга тушмади...

Биринчи таймнинг қўшиб берилган вақтида ўнг қанотдан тезкорлик билан бошланган ҳужумни Адриано аниқ ниҳоясига етказиб, иккинчи тўпни киритди. Бунда Адриано ўйиндан ташқари ҳолатда бўлишига қарамай ҳакам марказни кўрсатди.

Иккинчи бўлимда ганаликлар ҳужумга янада зўр беришди. Бироқ уларнинг зарбаларида аниқлик етишмасди, кўп хавфли вазиятларда эса бир оз сусткашликка йўл қўйишди.

Кучли команданинг белгиси — гарчи хавфли вазиятларни унчалик кўп юзага келтирмасада, улардан унумли фойдаланишидир. Бразилияликлар ушбу ўйинда шу хислатни яна бир карра намоён этишди. 84-дақиқада бразилиялик Зе Робертога майдон марказидан тўп оширилгач, якка ўзи дарвоза томон интилиб, дарвозабонни алдаб ўтган ҳолда учинчи тўпни киритди. Шу тариқа чемпионатнинг энг улкан кашфиёти бўлмиш ганаликларни 3:0 ҳисобида енгган Бразилия термаси уни чемпионатда тўхтатиб қоладиган куч йўқлигини яна бир бор исботлади.

Франция — Испания терма жамоаларининг кучлари эса нисбатан тенг эди. Бироқ мутахассислар таркиб жиҳатидан чемпионатнинг энг ёш ва умидли жамоаларидан бири ҳисобланмиш испанларнинг ғалаба қозонишларини кутишган, ўйиннинг бошлари ҳам гўё буни исботлаётгандек эди. 28-дақиқада испаниялик Давид Вилья пенальтидан ҳисобни очди. Французлар жавоб тўпини узоқ куттиришмади. 41-дақиқада чап қанотдан жарима майдончасига кириб борган Франк Рибери марказдаги икки ҳимоячини доғда қолдириб дарвозага чиройли тўп йўллади. Биринчи бўлим 1:1 ҳисобида якунланди.

Иккинчи бўлимда французлар ўйинларини кучайтиришди. Анри, Рибери, Виера бир неча бор хавфли вазиятларни вужудга келтиришди. 83-дақиқада Патрик Виера боши билан тўпни дарвоза томон йўллади ва тўп ҳимоячи Рамоснинг оёғига теккан ҳолда йўналишини ўзгартириб, тўрга тушди.

Учрашувда сўнгги нуқтани фаол ва ҳужумкор рухда ўйнаган француз Зинедин Зидан қўйди. У 92-дақиқада чап қанотдан ҳужум бошлаб дарвозабонни доғда қолдирган ҳолда учинчи тўпни киритди. 3:1 ҳисобидаги чиройли ғалабага эришган Франция термаси чорак финалга йўлланма олди.

30 июнь ва 1 июлда бўлиб ўтадиган чорак финал беллашувларида Германия— Аргентина, Португалия— Англия, Украина — Италия ҳамда Бразилия — Франция жамоалари беллашади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 2006-2007 ЙИЛГИ ИСИТИШ МАВСУМИГА СИФАТЛИ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ МАҚСАДИДА 2006 ЙИЛ 3 ИЮЛДАН 3 АВГУСТГАЧА ИССИҚЛИК ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИ ИССИҚ СУВДАН ЧЕКЛАМАГАН ҲОЛДА ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ МЕХАНИК МУСТАҲКАМЛИК ВА ЗИЧЛИККА (ЮҚОРИ БОСИМГА) СИНОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ:

1-ИМ (М-1) 5 ва 19 июль кунлари	– акад.Ҳ.Абдуллаев, Рахматуллин, Ж.Обидова, Ф.Хўжаев, Мўминов, Муҳитдинов кўчалари, Яланғоч, Бўз-1 (Черданцев-1) турар жой мавзелари, ТошГРЭС қўрғони.
1-ИМ (М-4) 4 ва 18 июль кунлари	– Буюк Ипак йўли, акад.Ҳ.Абдуллаев, Рахматуллин, Дағистон, Сайрам, Оққўрғон, Эргашев, Пушкин, Ф. Хўжаев, Муҳитдинов, Г.Мавлонов, Ҳ.Олимжон кўчалари, Тошсельмаш, Пушкин-Пишпек, Чизельный, Пушкин-Салор, ген.Петров турар жой мавзелари, Ҳ.Олимжон майдони.
2-ИМ 10 ва 25 июль кунлари	– Т.Малик, Иркутская, Матқобулов, Ш.Бурҳонов, Қодиров кўчалари, Қорасув-1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 (Черданцев-2) турар жой мавзелари, Геофизиклар қўрғони.
3-ИМ 5 ва 24 июль кунлари	– Беруний, Ўзбекистон, Ниёзов, А.Хўжаев, Фурқат, ген.Узоқов, Самарқанд дарвоза кўчалари, Навоий, Абай, Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчалари, Чорсу, Қоратош, Беруний, Олмазор, Бешёғоч, Ц-10,14,11, Ц-26,27,28, Б-1, Б-2, Б-3 турар жой мавзелари, Навоий, Халқлар Дўстлиги, Абай, Космонавтлар шоҳ кўчалари.
4-ИМ (М-0) 3 ва 20 июль кунлари	– А.Темур, Ҳ.Асомов, Эргашев, Г.Мавлонов, Муртазоев, Хуршид, Ж.Обидова, Бодомзор, Шаҳристон, А.Зокиров, Ҳ.Олимжон, Пушкин кўчалари, Ц-5,6-мавзелари, Ҳ.Олимжон майдони.
4-ИМ (М-1) 10-ИМ билан биргаликда 14 ва 26 июль кунлари	– Ҳасанов, Ғ.Ғулом, Шамсутдинов, Бобожонов, Хуршид, А.Қодирий, А.Ҳидоятов, Форобий, Беруний, Муҳбир, Мирзо Ғолиб, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Ц-17,18 (Себзор), Тахтапул, Ц-12,13,15, Қорақамиш-1/1, 1/2, 1/3, 1/4, 2/2, 2/3, 2/4, 2/5, Тансиқбоев-1,2,3, ТошДУ-ТошПИ, Олимпия, Ибн-Сино-1,2, Белтепа, Жарариқ, Шифокорлар шаҳарчаси, Талабалар шаҳарчаси, Чимбой мавзелари
4-ИМ (М-4,8) 6 ва 25 июль кунлари	– Юнусобод мавзеси 1-19-даҳалар, А.Темур, Каймаков, А.Дониш, Муродов, Юнусобод, Соҳибкор, А.Закиров, Шаҳристон кўчалари
5-ИМ; 9-ИМ билан биргаликда 7 ва 20 июль кунлари	– Чилонзор мавзеси 6, 15, 15А, Ц, Г9а, 16, 24,26,30, 31-даҳалар, Домбробод, Оқтепа, Қизил шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Гулистон мавзелари, Бешқайрағоч, Заргарлик, Я.Купала, Муқимий, Фарҳод, Чўпонота, С.Мирахмедов, Наққошлик, Новза, Қозиробод, Ҳ.Турсунқулов, Раҳимбобоев, Ширин, Лутфий кўчалари.
6-ИМ 7 ва 21 июль кунлари	– Мунис, У.Олимбеков, Бехтерев, Янги замон, А.Фитрат, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлиқ-1-7, Қўйлиқ айланма йўли мавзелари.
7-ИМ 5 ва 19 июль кунлари	– Лисунов, Шолохов, Бирлашган, Элбек, Слоним, Қўрувчилар кўчалари, "Ғалабанинг 40 йиллиги"-1,2,3,4, ДСК-1, Слоним-1,2 мавзелари, "Авиақурувчилар" шаҳарчаси ҳудуди.
8-ИМ 3 ва 17 июль кунлари	– Сергели-1-8А, Спутник-8,15,16,17, Дўстлик–1,2 мавзелари.
ИЭМ (М-0) 18 июль ва 3 август кунлари	– Бобур, У.Носир, С.Мирахмедов, Арнасой, Ш.Исломов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Ц-7, Чилонзор-1,2,3,4,5, Е.И мавзелари, Рашидов шоҳкўчаси.
ИЭМ (М-5,8) 10 июль ва 2 август кунлари	– Бобур, Глинка, Афросиёб, А.Темур, А.Тўқай, Нукус, Мовароуннахр, Лохутий, Т.Шевченко, Шаҳрисабз, Я.Ғуломов, С.Толипов, Ҳ.Умаров кўчалари, Қушбеги, Бошлиқ, "Авиақурувчилар" шаҳарчаси, Ц-1, Ц-2, Ц-4,Ц-5, мавзелари
"Водник" қозонхонаси 12 ва 26 июль кунлари	– "Водник" мавзеси, Ҳ.Бойқаро кўчаси
"ТТЗ" қозонхонаси 4 ва 17 июль кунлари	– ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий мавзелари, Аҳиллик, Гулсанам, Белоножко, Буюк Ипак кўчалари

"Саноатэнерго" қозонхонасининг таъсир доирасида 12 июль куни иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

"Саноатэнерго" қозонхонаси 12 июль куни	– "Строитель" турар жой мавзеси

Синовлар ўтказилаётган чоғда қувурлар шикастланиши, сув тошиши ва сачраши ҳоллари бўлиши мумкин, йўловчилар ва ҳайдовчилардан эҳтиёт бўлишларини илтимос қиламиз, ноодатий ҳолларни сезишингиз билан 361-32-32 телефонига маълум қилишингизни сўраймиз.

Мунажжим башорати

ҲАЁТИНГИЗДАН ЗАВҚЛАНИНГ

29 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

АСТРОЛОГИК ЖУДА ЯХШИ КУНЛАРДАН БИРИ – БУГУН ҲАЁТИНГИЗДАН ҲАР ҚАНЧА ЗАВҚ ОЛСАНГИЗ ШУНЧА ЯХШИ БЎЛАДИ. ЎЗИНГИЗНИ ЭРКИН ҚЎЙИБ, КЎНГЛИНГИЗ ЧОПГАН ИШЛАРНИ ҚИЛАВЕРИШИНГИЗ МУМКИН. НИМАНИ ХОҲЛАСАНГИЗ – РЕЖАЛАШТИРАВЕРИНГ ВА АМАЛГА ОШИРИШГА КИРИШАВЕРИНГ.

Одатда панд берадиган ўзгалардан устунлик туйғуси бугун ҳаётингизда ижобий роль ўйнайди. Ҳар бир инсоннинг ўзи фахрланадиган ишлари бор, мақсадга эришиш учун тўпланган тажрибангиздан фойдаланишингиз керак. Ўтмишдаги йўқотиш ва тушкун кайфиятларга қарамай, ҳеч бир ишда иккиланишга ўрин йўқ.

Шу куни ҳар қандай одам истеъмол қилаётган таомларини назорат қилиши, бунда овқатдан воз кечиш эмас, астрал танани мустаҳкамлаш йўлида ундан оқилона фойдаланиш тавсия этилади. Бугун ҳаётда жиддий, мустаҳкам ва абадий нарсаларга интилувчи ҳақиқий реалистлар дунёга келади. Улар аста-секинлик билан, лекин изчил ва оғишмай ўзлари кўзлаган марра сари интиладилар, белгилаган режаларини қатъият билан бажара борадилар.

Бугун сафарда бўлиш, олис манзилларга отланиш ҳайрли бўлади. Суд маҳкамасини бошлаш, касб-ҳунар, кўл иши билан шуғулланиш, янги иш жойига кўчиб ўтиш, таъмирлаш ва қурилиш ишларини бошлаш ҳам яхшиликка бўлади.Фарзандларингизга вақт ажратинг, уларнинг истак ва илтимосларига қулоқ тутинг.

Агар кўрган тушларингиз ёркин ва тушунарли бўлса – уларга эътибор қилинг. Бу тушлар сизга келажакдаги хайрли ишлардан хабар бериши мумкин.

Бугун ҳар қандай жарроҳлик операцияларини кечиктириб туриш мақсадга мувофиқ.

Кийимлардан кўк ва қизил ранглиларига устуворлик беришни тавсия этамиз. Сариқ ва яшил тусли либосларингизни жавонингизнинг нариги бурчагига суриб қўя туринг.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига малакали саҳифаловчи (вёрсткачи) керак. 133-08-74 телефонига қўнғироқ қилинг.

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 21-сонли мактаб томонидан 1990 йилда Расулова Мухтасар Ильхамовна номига берилган АN№150427 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6